

Зиёратчиларимиз Мадина шаҳрида



19:05 / 13.05.2025 1282

Бугун, 13 май куни Мадина шаҳрига эсон-омон етиб келган зиёратчиларимизнинг илк гуруҳларини Муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари, “Ҳаж – 2025” ишчи гуруҳи вакиллари, мамлакатимизнинг Саудия Арабистонидаги “Ҳаж” ва “Умра” ишлари бўйича атташеси Шуҳрат Аморий ва бошқа мутасаддилар томонидан тантанали равишда катта эҳтиром билан кутиб олинди.

Шунингдек, ҳамюртларимиз муҳташам “Зам-зам Пуллман” меҳмонхонасига киришлари биланоқ илиқ қарши олиниб, зам-зам сувлари, хурмо, ширинликлар ва ҳадялар улашилиб, гуллар ила икром қилинди.

Айни дамда зиёратчиларимиз меҳмонхоналарга жойлашиб бўлганидан сўнг ихлосу имон билан ибодатларни адо этиш, хусусан, Масжиду Набавий ва Равзаи муборакни зиёрат қилишга, яқинлари томонидан илтимос

қилинган саломларни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга
етказишга ошиқмоқдалар.

Аллоҳ таоло юртдошларимизнинг сафарларини муборак қилиб, ибодату
дуоларини ижобат айласин, Равзаи шариф зиёратини барчамизга насиб
этсин.